



ПРОАКТИВ МУДОФАА: ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИНING ЯНГИ МИССИЯСИ



Олимжон ЎСАРОВ,
мудофаа вазирининг
ватанпарварлик тарғиботи,
маънавий-маърифий ишлар ва
ёшлар масалалари
бўйича маслаҳатчиси

Бошланиши 1-бегда

Проактив ва реактив иш режимлари ўртасидаги фарқ бутун глобал беқарорлик, тез ўзгаришчан таҳдидлар ва асимметрик хавфлар шароитида ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Реактив ёндашувда одатда муаммо ёки таҳдид юзага келгандан сўнг ишга тушиб, вазиятга шовилчинч мослашиб, ресурсларни фавқулодда тарзда сафарбар қилиш, қисқа муддатли қарорлар қабул қилиш талаб этилади. Бундай шароитда инсон омилига босим ортиб, хатолик эҳтимоли, молиявий харажатлар, ижтимоий ва маънавий йўқотишлар кўпайиши мукаррар бўлади. Энг муҳими, реактив ёндашув кўп ҳолларда оқибатлар билан курашишни англатиб, таҳдид манбаига чуқур ечим бериш имконини чеклаб қўяди.

Проактив ёндашув эса мутлақо бошқа стратегик тафаккурга таянади. У хавф-хатарларни олдиндан илғаш, уларнинг эҳтимолий ривожланиши йўллари таҳлил қилиш,

доимий мониторинг ва прогноз асосида сценарийлар ишлаб чиқишни назарда тутати. Бундай ёндашувда профилактика асосий воситага айланади, яъни олдиндан белгиланган ҳаракат алгоритмлари, резерв ресурслар, тайёр кадрлар ва рақамли бошқарув тизимлари орқали хавф ҳали юзага келмасдан олдин унинг таъсири чекланади. Натижада давлат ва жамият барқарорлиги барқарор ишлайди, харажатлар оптималлашади, қарор қабул қилиш жараёни изчил ва самарали кечади.

Айнан шу маънода, проактив иш режими нафақат ҳарбий соҳада, балки давлат бошқаруви, иқтисодиёт, ахборот хавфсизлиги ҳамда жамият барқарорлиги учун ҳам энг тўғри ва замонавий йўл сифатида намоён бўлмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, замонавий урушлар табиати сўнгги йилларда тубдан ўзгарди ва бу жараён орта қайтмайдиган глобал тенденцияга айланди. Энди ғалаба қарор қабул қилиш тезлиги, ахборот устунлиги ва технологик афзаллик билан белгиланмоқда. Рақамли бошқарув тизимлари, сўнгий интеллектга асосланган таҳлил ва прогноз, кибер ва робот технологиялари, шунингдек, узоқ масофадан юқори аниқликда таъсир кўрсатиш имкониятлари замонавий ҳарбий қудратнинг асосий ўлчовига айланди. Бундай шароитда кечикиб қабул қилинган қарор ҳатто кучли ресурсларга эга давлат учун ҳам жиддий стратегик йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шу боис, саккиз йил аввал қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва 1997 йилда тасдиқланган Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш зарурати очик ва қатъий тарзда қайд этилди. Бу янгиланиш Ўзбекистоннинг хавф-хатарларини олдиндан баҳолайдиган, профилактикага таянган ва стратегик фикрга асосланган мутлақо янги — проактив мудофаа сиёсатига ўтиши демакдир. Янгиланадиган доктрина Ўзбекистоннинг таъкидлагани асосий принциплари — ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмаслик тамойилини қатъий сақлаб қолган ҳолда ишлаб чиқиши алоҳида таъкидланди. Бу ёндашув



мамлакатнинг мустақил давлат сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди, ташқи сиёсатда мувозанатни таъминлайди ва минтақада ишонч ҳамда барқарорлиқни кучайтиради. Шу билан бирга, у мудофаа соҳасида ташқи қарамликка эмас, балки ўз имкониятлари, миллий илмий-техник салоҳият ва инсон капиталига таянган барқарор ривожланиш моделини англатади. Айнан шу нуқтаи назардан, учувчисиз тизимлар, роботлашган мажмуалар, юқори аниқликдаги қурол-аслаҳа, киберхавфсизлик ва рақамли инфратузилма барқарорлиги устувор вазифалар сифатида белгилан берилди. Бу устуворликлар Ўзбекистон мудофаа сиёсатида технология ва интеллект ҳал қилувчи омилга айланаётганини, армия эса нафақат жанг майдонида, балки ахборот ва кибермакonda ҳам самарали ҳаракат қила олиши кераклигига ишора беради.

Проактив армия концепциясида инсон капитали ҳал қилувчи ўрин тутати. Чунки замонавий ҳарбий қудрат, аввало, инсон тафаккури, билими ва масъулияти билан ўлчанади. “Аскар — фақат жангчи эмас, келажақ мутахассиси” тамойили айнан шу стратегик қарашнинг амалий ифодасидир. Бу ёндашув армияни ёпиқ тизим эмас, балки жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий институт сифатида кўради. Шу боис, йиғилишда мuddатли ҳарбий хизматга фақат ҳарбий тайёргарлик босқичи сифатида эмас, балки ёшларни мустақил ҳаётга, меҳнат бозорига ва фаол фуқаролик позициясига тайёрлайдиган ҳаётини мактаб сифатида ёндашиш вазифаси қўйилди. Президентимиз таъбири

билан айтганда, “муддатли ҳарбий хизматни ўташ — ёшлар учун муваффақият йўли”га айланиши лозим.

Ана шу ғоянинг мантикий давоми сифатида ҳарбий қисмлар ихтисосидан келиб чиққан ҳолда, 3-6 ойлик касбга тайёрлаш дастурларини жорий этиш, малака имтиҳонлари ва сертификатлар бериш тизимини шакллантириш режалаштирилди. Бу нафақат хизмат даврида аскарнинг қобилиятини ривожлантиради, балки уни хизматдан кейин ҳам иқтидорли кадр сифатида жамиятга қайтаришни кўзлайди. Айниқса, ҳар йили 5 минг аскарни рақамли йўналишларда тайёрлаш ташаббуси армия билан иқтисодиёт ўртасида стратегик кўприк вазифасини бажаради. Бу ёндашув миллий хавфсизликни фақат қурол-аслаҳа билан эмас, балки билим, интеллект ва технология билан таъминлаш мумкинлигини амалда исботлайди.

Инсон капиталига бундай ёндашув Президентимизнинг байрам табриғида ҳам чуқур маънавий мазмун билан давом этди. Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасига билдирилган юксак эҳтиром, уларни тарбиялаган ота-оналар ва оилаларига изҳор этилган миннатдорлик армия билан халқ ўртасидаги маънавий бирлиқни янада мустаҳкамлади. Бу бирлик “Халқ ва армия — бир тану бир жон” деган умуммиллий ғояда ўз ифодасини топмоқда. Чунки халқ ишончига таянган армиягина ҳақиқий кучга айланади. Дунёда кечаётган ҳарбий-сиёсий вазият, айрим давлатларда юз берган воқеалар бу ғоянинг нақадар долзарблигини амалда намоён этди.

Маънавий бирлик ижтимоий адолат ва ғамхўрлик билан мустаҳкамланмаса, у барқарор бўла олмайдми. Шу нуқтаи назардан, йиғилишда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ ва манзилли чоралар эълон қилинди. Офицерлар учун кўп йиллик хизмат устамасининг 100 фоиз ошириши, контракт асосида хизмат қилаётган аскар ва сержантлар ойлигининг кўпайтирилиши, ҳарбий бўлмаган ходимлар маошининг



Алоҳида эътибор қишлоқ ҳўжалиги, кимё саноати, тўқимачилик ва хизматлар соҳаларида экспортбон лойиҳаларга қаратилди. Инновацион иссиқхоналар, тежамкор технологиялар тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш, стандарт ва талаблар билан ишлаш, халқаро кўргазмалар орқали миллий маҳсулотларни илгари суриш элчиларнинг устувор вазифалари сифатида белгиланди. Янги экспорт йўналиши сифатида Африка қитъаси билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги қайд этилиб, бу борада аниқ “йўл харитаси” ишлаб чиқиш топширилди.

Олийоҳлари билан ҳамкорликка жалб этиш орқали инсон капитали салоҳиятини ошириш муҳим йўналиш сифатида белгиланди.

Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонуний ва юқори даражадаги меҳнат миграциясини кенгайтириш ҳам йиғилишда устувор вазифалар қаторида қайд этилди. Президентимиз “кабинет дипломатияси”дан воз кечиб, жойларда фаол ишлаш, ватандошлар билан бевосита мулоқот қилиш зарурлигини таъкидлади. Туризм ва ташқи ахборот сиёсатида ҳам элчионалар фаоллигини ошириш, мамлакат имижини халқаро майдонда тизимли равишда илгари суриш талаб этилди.

Ташқи сиёсат фаолияти концепциясини янгилаш энг муҳим вазифа сифатида белгилан берилди. Янги концепция мамлакатнинг узоқ муддатли стратегик мақсадлари, иқтисодий дипломатия, хавфсизлик, инвестиция, экспорт, транспорт-логистика ҳамда сув ва иқлим масалаларидаги миллий манфаатларини яхлит қамраб олиши кўзда тутилган. Шунингдек, дипломатлар меҳнатини муносиб баҳолаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган дипломат” фахрий унвонини таъсис этиш таклифи илгари сурилди.

Мазкур видеоселектор йиғилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги талабчанлик, аниқ натижа ва масъулият тамойилларини мустаҳкамлайди. Президентимиз белгилан берган вазифалар дипломатия хизмати фаол, ташаббускор ва иқтисодий манфаатларга хизмат қилувчи самарали институтга айлантиришга қаратилган. Энди асосий масала ушбу топшириқларни амалий натижалар билан таъминлаш, ташқи сиёсатни мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қиладиган кучли воситага айлантиришдан иборат.

МУНОСАБАТ



Ахтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги фракция раҳбари

Шу жиҳатдан, Президентимиз раислигида 15 январь куни бўлиб ўтган Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолиятига бағишланган видеоселектор йиғилиши нафақат соҳада қилинган ишларга ҳолис баҳо бериш, балки келгуси давр учун аниқ ва амалий вазифаларни белгиллаб олиш нуқтани назардан ҳам муҳим аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари ташқи сиёсатда танқидий таҳлил ва янгича ёндашувлар зарурлигини таъкидлар экан, дипломатик хизмат олдида аниқ натижага қаратилган талабларни қўйди.

ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ

Жаҳонда геосиёсий зиддиятлар кучайиб, давлатлар суверенитети ва миллий манфаатларига таҳдидлар ортиб бораётган мураккаб бир шароитда Ўзбекистон ташқи сиёсати мазмунан янги босқичга кўтарилмоқда.

Ўтган йиллардаги фаолият сарҳисоб қилинар экан, ҳақли эътироф этилганидек, 2025 йил Ўзбекистон ташқи сиёсати учун сермажсул бўлди. Олий даражадаги ташрифлар географияси кенгайди, “Марказий Осиё плюс” формати доирасидаги мулоқотлар минтақавий ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқди. Стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари кенгайиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Президентимиз таъкидлаганидек, очик, прагматик ва ташаббускор ташқи сиёсат тугайли Ўзбекистон тобора глобал тинчлик ва дипломатия марказларидан бирига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш масаласини қатъий қўйди. Элчи фаолиятига ёндашув тубдан ўзгартириш зарурлиги таъкидланди. Бугунги элчи фақат сиёсий мулоқот юритувчи

эмас, балки инвестиция ва технологияларни жалб этувчи, экспорт бозорларини очувчи, транспорт-логистика йўлақларини ривожлантирувчи, туризм ва қонуний меҳнат миграциясини кенгайтирувчи ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат вакили сифатида баҳолашни белгиланди. Шу муносабат билан элчилар фаолияти самарадорлиги аниқ иқтисодий кўрсаткичлар — экспорт ҳажми, инвестиция лойиҳалари, туристлар оқими ва меҳнат миграцияси натижаларига асосан ўлчаниши қайд этилди.

Иқтисодий дипломатияни кучайтириш йиғилишдаги марказий масалалардан бири бўлди. 2025 йилда имзоланган 160 миллиард долларлик инвестиция ва савдо битимлари, ташқи савдо айланмасининг илк бор 80 миллиард доллардан ошгани ташқи сиёсат билан иқтисодий ислохотлар уйғунлигининг амалий натижасидир. Бироқ айрим бозор-



ларда миллий маҳсулотларимиз етарлича танитилмаётгани, логистика харажатларининг ортishi рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатаётгани танқид қилинди. Шу боис, Европа, Яқин Шарқ, Осиё ва Африка бозорларига чиқишда экспорт географиясини кенгайтириш, транзит йўналишларини диверсификация қилиш ва логистика занжирларини қисқартириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда халқаро грантлар масаласи ҳам танқидий муҳокама қилинди. Мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмагани, элчилар ва тармоқ раҳбарлари ўртасида ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани тугайли юзлаб миллион доллар маблағ жалб этилмай қолгани таъкидланди. Шу боис, грантлар билан ишлашда ягона ва тизимли ёндашувни жорий этиш вазифаси қўйилди. Етақчи хорижий олий таълим муассасаларини Ўзбекистон



2026 йил 21 январь, 13-сон

Маълумотларга кўра, 2021 йилда бир кунда 280-300 минг йўловчига хизмат кўрсатилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 1 миллиондан ошиб, рекорд натижани қайд этди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ

ЭНДИ ЙЎЛ ҲАҚИ УЧУН ҲАМЁН ШАРТ ЭМАС

Метро бекатларида КАФТ ОРҚАЛИ ТЎЛОВ ТИЗИМИ ишламоқда

Ҳозир жамоат транспорти борасидаги фикримиз анча ўзгарган. Албатта, ижобий томонга. Бунинг учун етарли асослар бор. Чунки фойдаланувчи сифатида яратилаётган шароитлар, манзилга тезроқ етиб олишимиз учун кўрилаётган чоралар, замонавий электрон тўлов тизимлари қулайлик яратаётганини инкор этолмаймиз. Хатто шахар шароитида одамлар шахсий автомобилдан кўра, жамоат транспортдан фойдаланишни афзал кўра бошлади.

Машинасини автомобиль тўхташ жойида қолдириб, бирор манзилга автобус ёки метрода тезгина бориб келадиган ҳамкасбим бунга бир мисол. Айтишча, шахарда тирбандлик ортиб бораётган ҳозирги шароитда машинада юриш, кейин эса унга тўхташ жойи топиш муаммосидан кўра, жамоат транспортда ҳаракатланиш вақтини анча тежаркан. Бу фикрга бошқалар ҳам қўшилишига кўп гувоҳ бўламиз.

Ҳақиқатан, кейинги йилларда юртимиз жамоат транспорти барча жиҳатдан мутлақо янги босқичга чиқди. Йўналишлар кенгайтириш, интерваллар қисқариши, замонавий жамоат транспорт воситалари олиб келиниб, фойдаланишга топширилиши, хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши шулар жумласидан. Айниқса, замонавий тўлов тизимининг йўлга қўйилаётгани фойдаланувчиларга қулайлик яратмоқда. Биргина карта ёки телефон қурилмасини махсус тизимга теккизиш орқали бир неча сонияда йўл ҳақини тўлаб, вақтни сезиларли тежаш мумкин.

Қурилма қандай ишлайди?

Метрога тушганда энди карта ёки телефонни қидириб ўтириш ҳам шарт бўлмай қолди. Кафтни махсус қурилмага босиб, йўлқирани тўлаш имкони мавжуд. Бунда кафт белгиланган қурилмага сканер устига тутилади ва тизим фойдаланувчини томир чизиклари асосида биометрик идентификация қилади. Шундан сўнг йўл ҳақи фойдаланувчининг тизим орқали боғланган пластик картасидан автоматик тарзда ечиб олинади. Бунинг номи “MyID Palm” тизими дейилади.

Ушбу инновация илк бор 2023 йилда Тошкент метрополитенининг “Халқлар дўстлиги” бекатида ишга туширилиб, биринчи “Palm Pay” турникети ўрнатилган эди. Синов жараёнидан сўнг янги механизм 2024-2025 йилларда бирин-кетин бошқа бекатларда ҳам жорий этили бошлади. Ҳозир пойтахтимиздаги 48 та метро бекатида йўл ҳақини кафт орқали тўлаш тизими ишламоқда.

— “Palm Pay” йўл ҳақини ҳеч қандай контакtsiz, инновацион усул орқали тўлашди, — дейди “Тошкент метрополитени” ДУК ахборот хизмати етакчи мутахассиси Дониёр Нуруллаев. — Янги тизим томирлар тасвирига асосланган биометрик идентификациялаш орқали амалга оширилади. Бунда метро фойдаланувчисининг ёнида банк картаси ёки ҳамёни бўлиши шарт эмас. Шунчаки кафти ёрдамида пул тўлайди. Фақат олдин махсус инфокиоск ёки мобил илова орқали бир марта рўйхатдан ўтилади. Бу атиги бир неча дақиқа вақтни олади. Бугун Тошкент метрополитенининг 30 та ер ости бекатида “Palm Pay” инфокиосклари ўрнатилган, 48 та бекатдаги турникетларда кафт орқали тўлов имконияти яратилган. Жорий йил давомида қолган бекатларда ҳам йўловчилар талабидан келиб чиққан ҳолда бирин-кетин инфокиосклар ўрнатиб борилади. Ҳозир кафт орқали тўлаш тизимидан кунига метро йўловчиларининг 3-4 фоизи — тахминан 25-40 минг киши фойдаланмоқда. Замонавий технология оммалашуви бекатлардаги навбатларни сезиларли даражада қисқартириб, йўловчилар вақтини тежашга хизмат қилади.

Кафт орқали пул тўлаш учун дастлаб рўйхатдан ўтиш керак. Бу жараён бир марта амалга оширилади ва фойдаланувчи 16 ёшдан олган ҳамда фуқаролик паспортини олган бўлиши талаб этилади. Рўйхатдан ўтиш метро бекатларида ўрнатилган “Palm Pay” инфокиоски ёки “АТТО” мобил иловасига



шахсий маълумотларни киритган ҳолда кафтни сканерлаш тарзида амалга оширилади. Сўнг виртуал карта очилиб, маблаг билан тўлдирилади ёхуд аввалдан мавжуд бўлган транспорт картаси уланади. Шундан сўнг тўлов учун кафтнинг ўзи кифоя қилади. Фойдаланувчи турникетга ўрнатилган қурилма устига исталган кафтни тутиш орқали йўл ҳақини тўлаши мумкин.

Касса операторлари штати босқичма-босқич тугатилади

Бундай тўлов усулидан фақат бир киши — рўйхатдан ўтган кафт эгасининг ўзигина фойдалана олади. Аммо биометрик тўлов хизмати барча йўловчи учун мажбурий эмас, истаган киши унга уланиши мумкин. Мутахассисларнинг айтишча, бутун Тошкент метрополитенида йўл ҳақини тўлашнинг 10 дан ортиқ тури йўлга қўйилган.

Хусусан, ўтган йил ёздан буён Тошкент метрополитени бекатларида чипта сотиб олиш учун автоматлаштирилган банкоматлар ўрнатилмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозир ер усти ҳалқа йўналишидаги барча — 14 та бекат ҳамда ер ости йўналишининг Пахтакор ва Алишер Навоий бекатларида автоматлаштирилган инфокиосклар ишлаб турибди. Фойдаланувчилар ушбу метро бекатларида чиптани касса операторидан эмас, электрон қурилмадан олмақда. Натижада ушбу бекатларнинг биттадан вестибюлида кассалар ёпилиб, ходимлар штати тугатилган. Кейинчалик барча метро бекатида чипта сотиб олиш учун автоматлаштирилган банкоматлар ўрнатилиши ҳисобига касса оператори ва катта оператор лавозими штати тўлиқ тугатилиши режалаштирилган.

— Метро бекатларида тўлов тизимларининг тўлиқ электронлаштирилаётгани ҳисобига нақд пулга чипта харид қилиниши ҳолати кескин қисқарган, — дейди Дониёр Нуруллаев. — Бу ўз-ўзидан касса оператори лавозимидаги ходимларга талабни камай-

тиради. Рақамлаштириш жараёнида баъзи фаолият турларига эҳтиёж йўқолиб бориши табиий ҳол. Қолаверса, тўловларни автоматлаштирилган аппаратлар орқали ортиқча навбатларсиз амалга ошириш одамлар учун ҳам қулай. Шундай бўлса-да, лавозими қисқартирилаётган ходимларга ўз истаги ва имкониятидан келиб чиқиб, касб-ҳунар курсларида бепул ўқиш таклиф этилмоқда.

— 1977 йилда очилган Тошкент метрополитени фаолиятига салкам 50 йил тўлмоқда. Одамлар яхши билади: 40 йилга яқин вақт давомида метрополитен деярли ўзгаришларсиз, эскича тизимда ишлаган. Кейинги ўн йилдагина унинг қиёфаси буткул ўзгарди. Эстакада услубидаги янги йўналишлар, ҳар томонлама қулай ҳаракат таркиблари ва бекатлар, замонавий эскалаторлар, рақамлашган тўлов тизимлари — буларнинг барчаси Тошкент метросини мутлақо янги кўринишга келтирди, — дейди Дониёр Нуруллаев. — Деярли 40 йилда метрополитен бекатлари 29 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб жами бекатлар



Бир миллион йўловчи талабига мослашиш зарурати

Метро жамоат транспортининг энг тезкор, хавфсиз ва қулай турларидан. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда ундан фойдаланувчилар сони қаррасига ошиб бораётти. Маълумотларга кўра, 2021 йилда бир кунда 280-300 минг йўловчига хизмат кўрсатилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 1 миллиондан ошиб, рекорд натижани қайд этди. Бу кичик рақамлар эмас. Биргина шу кўрсаткич орқали мамлакатимиздаги ривожланиш шиддати, аҳоли ва сайёҳлар оқими ортиб бораётгани, барча йўналишдаги тезкорлик ва ўсишни аңлаш мумкин.

Асосийси, одамларнинг жамоат транспортидан фойдаланишга ишончи ортган. Бу, албатта, қувонарли, аммо талабнинг ортиши фойдаланувчиларга доимий тирбандликда қолиш, поездлар келишини узоқ куттишга мажбур бўлиш, эскича тизим сабаб ортиқча вақт ва асаб кетиши каби ноқулайликларни туғдирмастлиги керак. “Тошкент метрополитени” ДУКда кейинги йилларда кўрилаётган чора-тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам шу — ҳар бир йўловчига янада кўпроқ қулайлик яратиш.

— 1977 йилда очилган Тошкент метрополитени фаолиятига салкам 50 йил тўлмоқда. Одамлар яхши билади: 40 йилга яқин вақт давомида метрополитен деярли ўзгаришларсиз, эскича тизимда ишлаган. Кейинги ўн йилдагина унинг қиёфаси буткул ўзгарди. Эстакада услубидаги янги йўналишлар, ҳар томонлама қулай ҳаракат таркиблари ва бекатлар, замонавий эскалаторлар, рақамлашган тўлов тизимлари — буларнинг барчаси Тошкент метросини мутлақо янги кўринишга келтирди, — дейди Дониёр Нуруллаев. — Деярли 40 йилда метрополитен бекатлари 29 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб жами бекатлар

сони 50 тага, йўналишлар узунлиги эса 71 километрга етди. Охириги тўрт йилда замонавий турдаги 41 та янги ҳаракат таркиби харид қилиниб, поездлар сони 80 тага етказилди. Бу жараён шиддатли тус олиб, жорий йилда яна 14 та поезд харид қилиш кўзда тутилган. Чунки метро фойдаланувчилари тобора кўпайиб бормоқда. Баъзан тигиз вақтларда тирбандликлар ҳаддан зиёд ортади. Бундай шароитда энг мақбўл ечимларни қўлаш, тиқилинчани камайтириш, поездлар ҳаракатлиниш оралиқ вақтини қисқартириш бўйича доимий ишлар қилинаётгани боиси шунда.

Қолаверса, метро фойдаланувчилари учун бошқа қулайликлар ҳам яратилди. Айниқса, 2025 йилда бу ишлар фаол босқичга чиқди. Жумладан, ер ости бекатларида эскирган эскалаторлар ўрнига замонавийлари ишга туширилипти. Эски турдаги вақт интерваллари учун кўрсатувчи соатлар янгиланиб, энергия тежамкор, ёрқин, кўпроқ маълумотлар билан бойитилган электрон соатлар ўрнатилди. Аҳамиятлиси, электрон соатларни метрополитен мутахассислари маҳаллий шароитда ишлаб чиқарди. Қурилмаларни яшаш жараёнида зарур техник деталлар йигилиб, уларга махсус дастурий таъминот ўрнатилган.

Ўтган йили йўловчи оқими юқори бўлган Чилонзор, Пахтакор, Буюк ипак йўли ва Амир Темури хибони метро бекатларида замонавий она-бола хоналари ҳамда жамоат ҳожатхоналари фойдаланишга топширилди. Бирин-кетин бошқа метро бекатларида ҳам шундай хоналар очилиши назарда тутилган. Бу метро станциялари инфратузилмасини яхшилаш, йўловчиларга қулайлик яратишга қаратилган сайё-ҳаракатларнинг бир қисми. Мазкур жараёнда кенг жамоатчиликнинг таклифи ва талаблари ҳам инобатга олинаётди.

Авваллари одамларни метрога тушгандан кейин телефон алоқаси узилиб қолди, интернет ишламаслиги безовта қиларди. Ҳозир ер

ости бўйлаб поезд ичида ҳаракатланаётганда ҳам бемалол интернетдан фойдаланиш мумкин. Мутахассиснинг таъкидлашча, аини йўналишдаги ишлар сабаб, метро бекатлари ва йўловчи хоналарида барча асосий алоқа операторларининг сигнал қамрови таъминланган. Шунингдек, бекатларда бепул ҳамда тезкор Wi-Fi тизими ишга туширилган. Метро тунеллари ва ер ости йўлларида ҳам оптик толали линиялар, такроловчи станциялар ва бошқа техник жиҳозлар ўрнатилиб, сигнал узатишнинг узлуksизлиги ҳамда сифатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Метрополитенининг сўнгги йилларда барпо этилган ер усти бекатларида кескалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам қатор шароитлар яратилди. 19 та ер усти бекатида 20 та лифт уларга хизмат кўрсатяпти. Замонавий эскалаторларда ҳам қулайлик юқори.

Ўтган йилнинг ёз ойларидан бошлаб эса Тошкент ер ости метроси бекатларида кескалар, ёш болалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга зинадан чиқишда қулайлик яратиш мақсадида электрон кўтаргич (пандус)лар ўрнатиш бошланди. Аввалига бир неча бекатда синов тариқасида қўйилган пандуслар сони ҳозир анчагина кўпайиб қолган.

— Тошкент метрополитени бекатларида жами 54 та электрон кўтаргич (пандус) ўрнатиш ишлари режалаштирилган бўлиб, шундан 38 таси ҳозир йўловчиларга хизмат қияпти, — дейди Тошкент метрополитени электромеханика хизмати дистанция бошлиғи Иброҳим Исмоилов. — Уларнинг ҳаммаси сўз ҳолатда ишлаб турибди. Янги қурилмадан фойдаланиш хали оммалашмагани боис, одамларда етарлича кўнжма мавжуд эмас. Лекин пандусларнинг ҳаммаси тўлиқ ишга туширилган. Пандуслар ҳамма учун эмас, асосан, кескалар, ёш болалар аёллар, имконияти чекланган шахсларга мўлжалланган. Бироқ айрим ёшларнинг қурилмадан бемақсад фойдаланиши, уларни уйнаши, атай бузиб қочиши ҳолатлари учрамоқда. Бу ҳаракатлар электрон пандусларда носозлик чиқишига сабаб бўляпти. Шундай экан, замонавий қурилмаларни ўрнатиш билан бирга улардан фойдаланиш маданиятини ҳам шакллантиришимиз керак.

Айрим бекатларда иккинчи вестибюль очилди

Ҳақиқатан, ҳозир кўпчилик қўндалик транспорт сифатида метродан фаол фойдаланади. Бекатлардаги одамлар оқими анча юқори. Интервал қисқарганига қарамай, поездлар доим тўла. Тигиз вақтлардаги фойдаланувчилар оқимини айтмаса ҳам бўлади, баъзан қаршимиздаги йўлни кўрмасдан туриб ҳаракатланишимизга, келган поездга сигмасдан қолиб кетишимизга тўғри келади. Авваллари ривожланган давлатларда шундай манзарани кўрардик, ҳозир ўзимизда ҳам бу одатий ҳолга айланди.

Оқимнинг ортиб бораётгани сабаб ўтган йили декабрда Тошкент метрополитенининг 4 та бекатида иккинчи вестибюльлар очилди. Йўловчи камлиги сабаб улардан кўп йил фойдаланилмаган. Метро қатновига талаб ортача вақти (дақиқалар ва сониялар) янгиланган. Схема метро бекатлари яқинида қўшимча шаҳар атрофи автостанциялари ва метро бекатларидан бориш мумкин бўлган диққатга сазовор жойлар қўшилган.

Жорий йил бошида эса яна бир янгилик эълон қилинди. Унга кўра, Тошкент метрополитени линияларининг график схемаси, масалан, Юнусобод йўли ва ҳалқа ер усти йўлида биринчи ҳамда охириги бекатлар орасидаги ўртacha масофа вақти ҳамда аини шу оралиқдаги поездлар ҳаракатининг ўртacha вақти (дақиқалар ва сониялар) янгиланган. Схема метро бекатлари яқинида қўшимча шаҳар атрофи автостанциялари ва метро бекатларидан бориш мумкин бўлган диққатга сазовор жойлар қўшилган.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини замонавий, рақобатбардош ва экологик барқарор тармоққа айлантириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Айниқса, органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали ички бозорни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 8 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш заҳирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур соҳада янги босқични бошлаб берди. Ушбу қарорга мувофиқ, 2025-2030 йилларда ҳудудларда органик маҳсулотлар екиладиган майдонларни ўн минг гектарга етказиш вазифаси аниқ мақсад сифатида белгиланган бўлиши.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш доирасида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан тизимли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2025 йилда республика бўйича органик майдонлар ташкил этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларининг кенг қамровли рўйхатлари шакллантирилди. Амалда эса йил давомида ўн минг гектардан ортиқ органик экин майдонлари ташкил этилиб, бу соҳада амалий натижаларга эришилгани ислохотларнинг самарадорлигини аққол кўрсатмоқда.

Органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фақат майдонларни кенгайтириш билан чекланиб қолмасдан, билим ва малака

асосида олиб боришмоқда. Ҳудудларда махсус ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, фермерлар ва тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда, органик маҳсулотлар етиштириш бўйича мастер-семинарлар ўтказилиб, замонавий ёндашувлар ва халқаро тажриба тушунтириляпти. Бу эса органик ишлаб чиқариш маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда кимёвий воситалардан фойдаланишни босқичма-босқич камайтириш мақсадида зарарли организмларга қарши уйғунлашган кураш (РМ) дастурлари ишлаб чиқилиб, жойларда жорий этилмоқда. Ушбу дастурларни рақамли ечимлар билан уйғунлаштириш, хусусан, “Агроқўмакчи” мобил иловаси орқали фермерларга етказиш соҳада инновацион ёндашувлар кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Органик маҳсулотлар бозорини ривожлантириш ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда шаффоф ахборот тизимлари ҳам муҳим ўрин тутати. Республика бўйича органик сертификатга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳақидаги маълумотларни рақамли платформаларга жойлаштириш, экспорт билан шугулланувчи тадбиркорларга



доимий равишда тақдим этиб бориш орқали ишлаб чиқарувчи ва бозор ўртасида самарали алоқа йўлга қўйилмоқда. Шунингдек,

“efito.uz” автоматлаштирилган ахборот тизими ёрдамида органик усулда етиштирилаётган мева-сабзавот майдонларининг электрон

харитаси шакллантирилгани соҳада мониторинг ва назоратнинг янги даражага кўтарилганини кўрсатади.

Давлат томонидан органик майдонларни кенгайтириш учун яратилаётган иқтисодий имтиёзлар фермерлар учун муҳим рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Ерни лазер усулида текислаш харажатларининг қоллаб берилиши, органик сертификатлар олиш учун субсидиялар ажратилиши дастлабки инвестиция юқини енгиллаштириб, фермерларни янги иш услубига жалб этмоқда. Бу эса органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан мақбўл ва жозибдор қилади.

Энг муҳими, органик маҳсулотлар юқори қўшимча қийматга эга экспортбон маҳсулотлардир. Халқаро бозорларда экологик тоза, кимёвий воситаларсиз етиштирилган маҳсулотларга талаб йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса ўзбекистонлик фермерлар учун ташқи бозорларга чиқиш, валюта тушумларини кўпайтириш ва миллий брендини мустақамлаш имкониятини яратяпти.


Бир сўз билан айтганда, органик қишлоқ хўжалиги фақат иқтисодий фойда манбаи эмас, балки инсон саломатлиги, атроф-муҳит муҳофазаси ва келажақ авлод олдидagi масъулият ҳамдир. Янги Ўзбекистон айнан шу тамойиллар асосида қишлоқ хўжалигини барқарор тараққиёт йўлига олиб чиқмоқда.

Дилшод АНОРБОЕВ, Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги бошқарма бошлиғи


ИЛГОР ЁНДАШУВ



Замонавий меҳнат бозори трансформацияси ёшлардан юқори даражада касбий мослашувчанликни талаб қилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 2025 йилдаги барқарор ривожланиш бўйича ҳисоботида илм-фан, техниканинг жадал ривожланиши таълим тизими олдида янги ва тобора қийин вазифаларни қўйётгани таъкидлангани ҳам бежиз эмас.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛИ

Ҳисоботда келтирилишича, дунё иқтисодий барқарорлиги ишлаб чиқарувчилар бошқаруви тўғри йўлга қўйилгани, ходимларнинг профессионал кўникмаси ва бошқа қатор омилларга асосланади. Аниқроқ айтганда, амалиёт кўп ҳолларда таълимдан ўзиб кетаётгани кузатишмоқда. Бу жиҳат битирувчиларнинг иш берувчилар талаб қилган амалий, касбий кўникмаларга ҳар доим ҳам жавоб бера олмаётганида яққол намоён бўлади. Шу сабабли узлуқсиз ўқитиш тизими дуал таълим муҳитини яратиш нафақат Ўзбекистон, балки замонавий тараққиётни кўзлаган бошқа мамлакатлар учун ҳам ғоят долзарб. Айни пайтда мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишларга жиддий эътибор қаратилиб, ҳуқуқий асослари яратилаётгани, амалий чораларга киришिलाётгани сабаби ҳам шунда. Энг катта ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, Касбий таълим агентлиги ташкил этилгандир. Бу дуал таълимга эътибор қаратиш нечоғлиқ сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳамиятга эга эканини билдиради.



Солиҳа АЛЛАЁРОВА, педагогика фанлари доктори

Таълим тизимида узоқ йиллик тарихга эга. Таълимнинг ушбу шакли назария ва амалиёт, таълим ташкилоти ва иш берувчи ҳамкорлигини уйғунлаштиришга хизмат қилади. Талаба бир вақтнинг ўзида ҳам ўқийди, ҳам ишлайди. Иш жараёнида билимини мустақамлайди. Бу модель Германия, Швейцария, Австрия, Япония каби ривожланган давлатларда самардорлигини исботлаган. Натижада битирувчилар ишсиз қолмайди, иш берувчилар эса қайта тайёрлашга ортиқча вақт ва маблағ сарфламайди. Ривожланаётган давлат сифатида Ўзбекистон ўқитиш тизимига дуал таълим моделини татбиқ этиш давр талаби ва заруратдир.

Дуал таълимда иш берувчи ва таълим муассасаси ҳамкорлиги реал натижаларда намоён бўлади. Иш берувчи ўқитиш жараёнида иштирок этади, ўқув дастурларини шакллантиришга ҳисса қўшади ва талабани келажакда иш билан таъминлайди.

Президентимизнинг 2025 йил 26 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида 2026/2027 ўқув йилидан Тошкент давлат юридик университетида тажриба тарихида амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизими жорий этилиши белгиланди. Бунда иккинчи,

учинчи ва тўртинчи курс талабалари учун юридик таълим дастурларининг 50 фоизи (назарий қисми) аудиторияларда, 50 фоизи (амалиёт қисми) суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа юридик соҳага оид ташкилотларда ўтказилади. Таълим дастурларининг назарий қисмларини амалий мисоллар асосида ўқитиш орқали талабада муаммолар вазиятини таҳлил ва ҳулоса қилиш каби кўникмалар ҳамда назарий билимларни шакллантиришга эътибор қаратилади.

Ушбу вазифалар жорий ўқув йили якунига қадар таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурлари ва ўқув режаларини қайта кўриб чиқиш, иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни такомиллаштириш, ўқув жараёни графигини дуал таълимга мослаштириш, ўқув дастури ва силлабустар, модуль контентларини тубдан янгиллашни талаб қилади. Бу жараён Тошкент давлат юридик университети мисолида таълим — тадқиқот — амалиёт уйғунлигини таъминлашга тўғридан тўғри ҳисса қўшади.



ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ

Шу йилнинг 10–15 январь кунлари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида 22-халқаро Жаутиков олимпиадаси бўлиб ўтди. Дунёнинг 15 мамлакатидан келган 700 дан зиёд ўқувчилар орасида ўзбекистонлик иштирокчилар яна бир рекорд натижани қайд этди. Математика, физика ва информатика фанлари бўйича билимлар синаладиган олимпиадада Президент ҳамда ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг улуши катта. Улар жамоага 2 та олтин, 7 та кумуш, 5 та бронза медални тақдим этди. Олтин медаль совриндори Жаҳонали Ҳайдаралиев Муҳаммад ал-Хоразмий мактаби, Ўлужбек Раҳматуллаев эса Наманган Президент мактаби фахрига айланди.



Айтиш жоиз, халқаро Жаутиков олимпиадаси минтақавий халқаро олимпиадалар рўйхатида киритилган, ғолиб ўқувчилар ва уларнинг устозлари пул мукофотлари билан тақдирланади.

2021 йилда Фарғона шаҳридаги Президент мактабидаги синовлардан мубаффақият-ли ўтиб, 7-синфга қабул қилинган Дилафрўз Собиржонов мактабни битиргунга қадар халқаро IELTS имтиҳонидан 8 балл, SAT имтиҳонидан 1540 баллини нақд қилди. Немис тили бўйича имтиҳонда ҳам В2 даражани қўлга киритди. Шунингдек, у рус ва турк тилларини мукаммал ўзлаштирган. Илм йўлидаги ҳаракатлар бесамад кетмади. АҚШдаги Гарвард университетининг 392 минг доллар миқдоридagi тўлиқ грант соҳибига айланди. Нуфузли олийгоҳда ўқиб, биология ва ахборот технологиялари йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бормоқчи.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, атроф-муҳит муҳофазасига дахлдор қашфиётлар қилишдан ташқари, Дилафрўзнинг “Ўзбегим гавҳари” лойиҳасига қўл ўргани қувонган. Ёш бўла туриб, жамиятимиздаги аёл-қизларни замонавий касблар ҳамда чет тиллари бўйича бепул билим олишига қўмақлашиш мақсади уни лойиҳа яратишга ундади. Бу орқали замонавий касблар, хусусан, АТ, дастурлаш, тил ўрганиш, веб-дизайн каби соҳаларда билим ва кўникмалар улашиш режалаштирилган.

Дилафрўзнинг мактабдоши бўлган 11-синф ўқувчиси Отабек Комилов эса дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири — Муҳаммад бин Зайд номидаги Сунъий интеллект университети-га тўлиқ грант асосида қабул қилинди. Бу дунёда сунъий интеллектга ихтисослашган биринчи университет бўлиб, ўз йўналишида дунёнинг ТОП-10 университетлари сафидан жой олган. Унга 4 йилга жами 180 минг доллар миқдоридagi тўлиқ грант тақдим этилди. Чунончи, Отабек IELTS имтиҳонидан 7 балл олгани ҳолда, AMC (Америка математика мусобақаси), SEAMO (Жануби-Шарқий Осиё математика олимпиадаси) — миллий босқичида олтин медални қўлга киритган. В2Е номли сунъий интеллект лойиҳаси асосчиси.

— Дадам уста дурадгор бўлса-да, бизга ҳаммиз “Билим энг катта бойлик, имконият берилса, ундан тўғри фойдаланиш керак”, деб ўқитган, — дейди у. — Шунингдек, шукроналик ҳисси, меҳнатнинг қадрига етиш ва вақтни бекорга сарфламаслик бўйича берган маслаҳатлари ҳаётий қарашларини шакллантирган. Онам патронаж ҳамшира. У менга инсонларга фойда келтириш, жамиятга хизмат қилиш нечоғлиқ шарафли эканини сингдирган. Бугун мен эришган натижалар,

аввало, ота-онамнинг хизмати, тарбияси ва ишончи самараси, қолаверса, барча устозларимнинг машаққатли меҳнатлари меvasи деб биламан. Агар давлатимиз биз, ёшларга кенг имкониятлар бермаганда, бундай мубаффақиятларга эришишимиз қийин эди. Зеро, ютуқларимнинг энг катта улуши Президент мактаби ҳиссасига тўғри келади.

Қарши шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси Асилбек Сатторов ҳам яқиндагина дунёнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бўлган — Гонконг политехника университети-га тўлиқ грант асосида қабул қилинди. Бу Хитойнинг давлат тадқиқот университети ҳисобланиб, техник таълимда биринчи бўлиб ташкил этилган ва халқаро рейтингда 54-ўринни эгаллаган. Грант миқдори 4 йил учун 128 минг доллар. Шунингдек, йиллик 6 минг доллар миқдоридagi стипендия. Ўқувчимизга 2026/2027 ўқув йили учун 4 йиллик бакалавр дастури ва қўшимча дастурлар бўйича расмий таълим хати тақдим этилди. Асилбекнинг IELTS бали — 7.5, SAT имтиҳонидagi натижаси — 1500 балл.

Президент мактаби директори Анвар Тўраев тизим ютуғи иқтидорли тенгдошлар ўртасидаги соғлом рақобатда эканини айтди. Зеро, олимпиадалар, ҳар хил танловлар ўтказилади, илмий лойиҳаларда ўқувчилар бир-бири билан соғлом рақобат олиб боради. Замонавий лабораториялар, АТ синфлар мавжудлиги, ўқувчилар сонига қараганда замонавий ёндашувда қўл келади. Дарсдан ташқари тўғрақлар ҳам ўқувчилар учун катта қўллаб-қувватлов ҳисобланади. Қолаверса, халқаро ҳамкорликлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Бугун кўп сонли халқимиз, хусусан, ота-оналар Президент ва ихтисослаштирилган мактабларнинг фарзандлари ҳаётидаги ўрнини жуда яхши тушуниб етляпти. Имтиҳонлардан мубаффақиятли ўтиб, энг замонавий даргоҳларда таълим ола бошлаган ёшлар тез фурсатда иқтидорини намоён этиб, ишончини оқлайтгани қувонган. Шундай экан, таълимни ихтисослаштириш ва шу орқали интеллектуал салоҳиятини ошириш йўлини тўғри танлаганимиз рост.

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси тизимли трансформациялар даврининг фундаментал дастурини белгилаб берди. Давлатимиз раҳбарининг “Машаққатли ва шарафли меҳнатимиз билан дунёда ҳурмат топаётган, эртанги кунга ишонч билан дадил бораётган, матонатли ва ғурури баланд миллатимиз” деган сўзлари янги Ўзбекистон тараққиёт йўлида ўз олдида улкан мақсад ва вазифалар қўйганини аниқлагани.



Шоҳрухбек ҚОДИРОВ, Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси

Мурожаатномада бевосита таълим соҳаси билан боғлиқ қўллаб ташаббуслар илгари сурилган. Бу жамиятимизда инсон капиталини ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланиганини кўрсатади. Шунингдек, олий таълим тизимида фаолият юритаётган ҳар бир профессор-ўқитувчи, тадқиқотчи ва таълим менежери зиммасига улкан академик ва маънавий масъулият юклайди. Зеро, 2026 йилда давлат таълими, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт, айниқса, таълим, илм-фан, тиббиёт, маданият ҳамда экология соҳаларида кутилаётган

ислохотлар айнан интеллектуал салоҳиятга асосланган янги тафаккурни талаб этади. Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати илк бор ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 145 миллиард доллардан ошгани, камбағаллик даражасининг 5,8 фоизга тушгани ва экспорт қийматининг 33,4 миллиард долларга етгани билан асосланган экан, бу ўсишнинг барқарорлиги фақат юқори технология билимга эга кадрлар орқали таъминланади.

Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та Ийрик дата-марказ, яъни улкан ҳажмдаги маълумотларни хавфсиз сақлайдиган, юқори тезликда қайта ишлайдиган ва узатадиган “рақамли омбор” ҳамда 2 та суперкомпьютер ишга туширилиши, шунингдек, 15 та нуфузли олийгоҳда сунъий интеллект лабораториялари фаолияти йўлга қўйилиши мамлакатимизда “билимлар иқтисодиёти” пойдеворини мустақамлайди. Бу инфратузилма тиббиёт, транспорт, қишлоқ хўжалиги, геология ва банк-молия каби ҳаётий муҳим соҳаларда 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш имконини беради. Минглаб иқтидорли ёшларимизнинг квант технологиялари, дроңлар ва робототехника йўналишларида конструкторлик ишланмаларини амалиётга татбиқ қилиш учун “Рақамли технологиялар маркази” ташкил этилиши ёш авлоднинг интеллектуал фаоллигини янги босқичга кўтарди.

Энг ҳайратланарли воқеа — мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор космик соҳада сунъий

КЕЛАЖАККА ЙўНАЛТИРИЛГАН ЭНГ САМАРАЛИ-САРМОЯ



ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

йўлдош ва мамлакатимиз фуқароси бўлган биринчи ўзбек космонавтининг фазога учурилиши бўйича ишлар бошланишидир. Бу нафақат технология ютуқ, балки бутун таълим тизими учун қучли илмий катализатор бўлиб хизмат қилади. Кинот даражасидаги тадқиқотлар аниқ ва табиий фанлар ўқитилишини тубдан янгиллаш, талабаларда мураккаб илмий тизимларни бошқариш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришни тақозо этади.

Мурожаатномада белгиланган тўртинчи устувор йўналишга кўра, профессионал

таълим тизимидаги ислохотлар, хусусан, 100 та техникумнинг Германия, Жанубий Корея ва Швейцария моделлари асосида модернизация қилиниши ўрта бўғин кадрларининг профессионал даражасини халқаро стандартларга тенглаштиради. Дуал таълим тизимини жорий этган корхоналарга 5 миллиард сўмга-ча имтиёзли кредитлар берилиши ва илк бор 100 минг нафар техникум ўқувчисида давлат стипендиялари тайинланиши таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узилишни бартараф этади.

Шу билан бирга, олий таълимда сифат назорати кучайтириш мақсадида нуфузли халқаро бошқарув тизимларининг жорий этилиши, масалан, Жиззах политехника институтининг Венгриянинг Обуда университети бошқаруви-га ўтказилиши ҳамда Япониянинг Цукуба миллий университети билан ҳамкорликда янги муассаса ташкил этилиши миллий ОТМлар учун халқаро академик сифат андозаси бўлиб хизмат қилади. Ҳар йили меҳнат бозорига кириб келаётган 300 минг олий маълумотли йигит-қиз учун яратилаётган рақамли экотизим талабаларнинг

когнитив салоҳияти ва академик ютуқларини иш берувчининг реал эҳтиёжлари билан боғловчи интеллектуал платформа бўлиб хизмат қилади. Бу платформа таълимнинг шаффофлиги ва натижадорлигини таъминлашда муҳим инструмент вазифасини ўтайди.

Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам халқаро сифат назорати ўрнатилиши, хусусан, “Pearson” компанияси билан ҳамширалар малакасини баҳолаш тизими йўлга қўйилиши тиббий таълим нуфузини оширади. Тиббиёт соҳасига ажратилаётган 3,5 триллион сўм маблағ ва трансплантология каби мураккаб йўналишлардаги янги технологиялар фақат энг замонавий билимга эга мутахассислар қўлида самарали востига бўла олади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, янги Ўзбекистоннинг бош ютуғи фақат иқтисодий рақамлар эмас, балки жамиятимизда шаклланган янги таълимий тафаккур ва ривожланиш маданиятидир.

Маърифатли жамиятга юксак масъулиятни ҳис эта олади ва ривожланиш маданиятини ўз ҳаёт тарзи даражасига кўтарди. Таълим тизимидаги барча ислохотлар — келажакка йўналтирилган энг самарали сармоя. Чунки замонавий билим ва юқори технология кўникмалар билан қуролланган инсон Учинчи Ренессанс пойдевори бунёдкори ва тараққиёт драйвери бўла олади.

Мурожаатномада келтирилганидек, экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳам тубдан янги таълимий ёндашувни талаб қилади. Келгуси беш йилда мамлакатимизда камиди 30 минг экология менежерига талаб пайдо бўлиши илмий прогноз қилинмоқда. Шу боис, 2026 йилда ҳар бир ҳудудда ташкил этиладиган “яшил” техникумлар дуал таълим асосида йилга 10 минг мутахассис тайёрлашни зиммасига олиши керак бўлади.

Мурожаатномада белгиланган космик лойиҳалар, сунъий интеллект лабораториялари, “яшил” техникумлар ва янги университетлар мамлакатимизни жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқадиган интеллектуал пойдевордир.

6

МЕЗОН

МУЛОҲАЗА

2026 йил 21 январь, 13-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuuz.uz_news

yuuz.uz_news

Ёшлигимда бир манбада ўқиган эдим: буюк шоир Алишер Навоийнинг китобга муҳаббати гўдаклик даврида, илк кўрган китоб муқовасидаги тасвир орқали уйғонган экан. Муковада акс этган “Нарвондаги одамлар” манзараси — оддий иллюстрация эмас, балки ёш Алишернинг эстетик дунёқараши ва тафаккури шаклланишидаги илк илҳом манбаи бўлган.

Миллий контент —
Маънавий иммунитет кафолати

Ўша ҳолат бизга бир муҳим ҳақиқатни кўрсатади: инсоннинг маънавий ва ақлий ривожланиши кўпчида кўз билан кўрган, қалб билан ҳис қилган илк таассуротлардан бошланади. Демак, инсоннинг бутун умрига йўл очиб бевурич илк тасаввурлар гўдаклигидан гавдаланади ва келгусида бу шунчаки хотира эмас, балки келажагига сочилган маърифат шуъласига айланади. Бу кичик шуъла эса вақт ўтиши билан янада порлаб, инсон руҳини нурга тўлдиради. Ана шундай илҳом ва руҳий таъсирнинг ёрқин намунаси Алишер Навоийнинг китоб муқовасидаги оддий расмдан илҳом олиб, умрини маърифат ва ижодга бағишлаганидир. Шунингдек, тарих гувоҳ, жаҳон адабиётида ўз ўрнини топган ёзувчилар, кашфиётчилар ва илмий тараққиёт



асосчилари учун ҳам болаликда кўрилган бир манзара, эшитилган бир ҳикоя туртки бўлган. Бирок бугунги кунда манзара ўзгарган. Авалги каби китоб, журнал, эртак ва бадий расмлар болалар онгидagi асосий “илҳом манбаи” эмас. Илгариги авлодлар бобо ва бувилар айтган эртақлар орқали яхшилик билан ёмонлиқни ажратишни, адолат ва меҳр-оқибатни англашни ўрганган бўлса, энди болаларнинг илк ички таассуротлари кўпичча телефон экранларидан, тез алмашувчи видеолар ва виртуал образлардан шаклланипти.

фикрга хизмат қиладиган медиа муҳит яратмасак, болаларимиз маъно ва мақсаддан узоқ, ташқи кўриниши ёрқин, аммо ички дунёси бўш “виртуал манеж” қўршовида улғайиши мумкин.

Виртуал сояда сўнаётган меҳр

Инсон қалби ва онгидagi энг соф, энг покиза туйғулар, илк ҳаётий тушунча ва та-

Бунда энг хавфлиси, экранда кўрилган ҳар бир сунъий образ бола учун ҳақиқат сифатида қабул қилинади ва унинг ички маънавий мезони шунга қараб шаклланади. Шу боис, экран бола учун илҳом ва маърифат нарвони бўла оладими ёки маънавий бўшлиқ сари етаклайдиган чуқур жарми, бу аввало, бизнинг танловимизда намоён бўлади. Чунки телефон жонсиз бир матоҳ, унга “жон” бағишлайдиган, мазмун қўшадиган ўзимиз. Агар биз миллий руҳ, эгзу гоя ва чуқур маънолар билан тўлдирилган, соф маърифат ва теран

саввурлар, аввало, оила бағрида шаклланади. Боланинг маънавий қиёфаси, ахлоқий мезонлари ва дунёқарашида оила муҳити энг биринчи устоз вазифасини ўтайди. Оиладagi ҳар бир меҳрли сўз, самимий муомала, яхши одатлар бола қалбига маънавиятнинг илк куртакларини уйғотади. Халқимизнинг “Қуш уясида кўрганини қиладди” деган маъноли мақоли ана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради. Аммо бутун оилалардagi қимматли вақтнинг катта қисми телефондagi виртуал мулоқот ва тасвирлар намойиши ҳисобига “бойиб”, ҳақиқий мулоқотлар камайиб бормоқда.

Бугун смартфон ва бошқа гаджетлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бўлган. Том маънода, биз уларсиз яшай олмайдиган бўлиб қолдик, туну кун ажралмас

ҳамроҳимизга айлантирдик. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони қарийб 36,3 миллионни ташкил этмоқда. Бу шунинг билан, бизда катталарнинг деярли ҳар бирини, ўсимларнинг аксариятида смартфон бор, ҳатто айрим оилаларда бир кишига иккитадан қурилма тўғри келади. Бу техникага бўлган “хавас” табиий жараён сифатида кўриниши мумкин, аммо аслида у ижтимоий, маънавий ва иқтисодий ҳаётда туб ўзгаришларга олиб келаётган кучли тенденциядир.

Тўғри, телефоннинг ўзи нейтрал восита, лекин ундаги кўнгличлар манбалар, ижтимоий тармоқлар ва мобил иловалар инсоният муносабатларининг табиий оқимини ўзгартира бошлади. Илгари яқинлик юзма-юз мулоқотда, бир дастурхон атрофидаги самимий

суҳбатда, кўз кўзга тушганидagi меҳрда акс этарди. Энди эса ўша яқинлик телефон экранидagi алмашинаётган хабарлар ва виртуал “дўстлар” суҳбати соясида сўниб бораётгандек. Охириги статистик рақамлар биз яшаб турган замоннинг қанчалик рақамли ҳаёт тарзига ўтиб бораётганини кўрсатадиган энг ёрқин кўзгудир. Бугун дунё аҳолисининг қарийб 70 фоизи ижтимоий тармоқларда фаол экани бу фақат ахборот олиш ёки кўнгличлар контент истемоли эмас, балки одамлар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётганини англатади.

Ижтимоий тармоқлар энди “бир қараб қўйиш” ёки “бўш вақт ўтказиш” платформаси эмас, балки шахсий муносабатлар, иш жараёнлари, савдо-сотик, ҳатто сиёсий жараёнларга таъсир кўрсата оладиган кучли оммавий муҳитга айланди. Бугун ёшларимиз аксарияти “виртуал олам”нинг беқиёс лабиринтларида кезиб, у ердан “янги” ахборотлар оқимини қабул қилмоқда. У ерда турли “сара хабар”лар, янги трендлар, мода, ҳаётий қарашлар билан танишади. Бу билан улар ижтимоий тармоқлардagi вақтини ўқиш, изланиш, янги кўникмалар эгаллашга эмас, асосан, миёни чалгитувчи, бир марталик ҳузур бағишлайдиган, аммо маънавий ва амалий фойдаси йўқ контентлар ҳазмига сарфлапти. Бундай “ақлий хомаше”лар вақт ўтатиш билан фикрлаш қобилиятини пасайтиради, чуқур таҳлил қилиш одатини йўқотади ва инсоннинг ўз ҳаётига қўйган мақсадларини ҳам хиралаштиради. Бундан ҳам хавфлиси, тармоқларда авж олган “лайкомания”, яъни лайк ва томошалар орқали ўз қадрини баҳолаш иллати ёшлар онгини секин-аста эгаллаб бормоқда. Одамлар, айниқса, ёшлар воқеа-ҳодисанинг моҳиятини эмас, балки қанча лайк олишини ўйлайдиган бўлди. Шу йўлда улар маънавий фикр ва маънавий мезонларни қурбон қилиб, хавфли, ахлоққа зид, ҳатто ҳаёт учун хатар

ли ҳаракатларга қўл ураётир. Виртуал оламнинг бу тарздаги “юлдузлик қиймати” эса ҳақиқий ҳаётдagi қадриятларни секин-аста емириб, жамиятда маънавий бўшлиқ яратиш хавфини кучайтираётир.

Ўзлиқни англатувчи манба

Миллий руҳдagi кино, сериал, клип, ролик ва бошқа медиа маҳсулотлар фақатгина кўнгличлар восита эмас, балки ёш авлод тафаккурига йўналиш берадиган, уларнинг қимлигини англатадиган, миллий гуруру ва ўзлиқни уйғотадиган маънавий таъсир манбаи ҳисобланади. Бир неча йил аввал “Шабнам” фильмидаги бош қаҳрамон қиз экранда пайдо бўлганидан сўнг кўп ўтмай, шахар кўчаларида қирқ қокил қилиб соч ёйган, ўзини ўша образга яқинлаштирган қизлар кўпайди. Бу ёқимли ҳолат биргина бадий образ орқали ёшларга қанчалик тез ва кучли таъсир ўтказиш мумкинлигининг ёрқин исботи бўлди. Демак, агар биз миллий руҳдagi саҳна асарларини кўпайтирсак, улар орқали ёшлар қалбига миллий гуруру ва ўзлиқни англаш каби мақсадлар чуқур илдиз отади. Энг муҳими, бундай таъсир қуруқ гап билан эмас, амал билан яратилади.

Дарҳақиқат, ҳар бир яратиладиган миллий контент инсон онгини ёт гоълардан асрайдиган қалқон. У нафақат профилактика, балки маънавий фронтдagi кучли қурол ҳамдир. Бу вазифа телевидение, блогосфера, рақамли медиа, театр, кино, мусиқа, китоб ва санъатнинг ҳар бир йўналишида амалга оширилиши мумкин. Масалан, миллий контент фақат тарихий ёдгорликлар олдида сурутта тушиш ёки миллий либослардagi фотолавҳалар акси билан чегараланмаслиги лозим. У болалар мультфильмларида, қиссалар ва ўйинларда, тарихий сериаллар, кинофильмларда, интернет тармоқларидаги челленжларда, мусикий клип, театр ва санъат орқали акс этиб, миллатнинг туйғу ва ҳиссиётини бойитиши керак. Чунки бугун ёшлар учун гоълар майдониди кураш кечмоқда. Ким ўз гоъсини таъсирчанроқ етказса олса, келажақ шу томонда бўлади. Шунинг учун миллий контентни фақат маърифий эмас, балки стратегик ресурс сифатида қўриш вақти келди. У ёшлар онгидagi фойдаланилмаган имкониятлар майдонини тўлдирини, қалбларига меҳр ва ифтихор олиб кириши, она тилини, ўз тарихини, ўз халқини севишига ундаши керак.

Инсон организми каби жамият ҳам ташқи таъсирлардан ҳимояланиши учун ички маънавий-мафкуравий бардош — руҳий имунитетга муҳтож. У халқнинг ахлоқий қадриятларига, маънавий етуқлигига, ватанпарварлик руҳига, тарихий хотирасига боғлиқ ҳолда шаклланади. Ҳозирги глобаллашув, ахборот хуружлари авж олган шароитда миллий контентлар миллатнинг маънавий қалқони бўла олади.

Шухрат НОРМУРОДОВ, журналист

ШОҲИМАРДОН – ЁРДОН: ТУРИЗМ

ХАРИТАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ МАНЗИЛ

Илгари Фарғонанинг сайёҳлик имконияти ҳақида гап кетса, бармоқ билан санарли маданий ёдгорлик ва туризм масканлари тилга олинарди. Сайёҳлар оқими, меҳмонхоналар сони ҳам шунга яраша бўлган. Сайёҳлик ҳудудларида яхши хизмат кўрсатиш тизими, зарур инфратузилма йўқлиги қатор ноқулайликларни келтириб чиқаргани ҳам сир эмас.

Кейинги йиллардagi ислохотлар Фарғона туризм салоҳиятини янги босқичга олиб чиқди. Уттан йилнинг ўзига 3 та меҳмонхона, 8 та хостел, 41 та оилавий меҳмон уйлари фаолият бошлаб, улар сони 400 дан ошди. Уларда жами 3683 та хона, 8324 та ўрин жойлар ташкил этилди. Бундан ташқари, 37 та янги туроператор фаолияти орқали бир йил давомида 544,2 минг хорижлик сайёҳ вилоятга келган. Кўрсатилган хизматлар асосида туризм экспорти 185,4 миллион долларга етказилди. Шу билан бирга, 3 миллион 245 минг 400 нафар маҳаллий аҳоли саёҳат қилиш мақсадида Фарғона вилоятига келган.

Шу тариқа туризм миллий иқтисодиёти-мизнинг таянч йўналишларидан бирига айланди. Кун сайин бу йўналишда истиқболли дастурлар, лойиҳалар кенгайиб бормоқда. Табиийки, ҳудудларда туризм салмоғи янада ошиб, янги имкониятлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш кенгаймоқда.

— Президентимиз жорий йил 12 январь куни “Фарғона” туристик-рекреацион зона-сини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини имзолади. Ушбу ҳужжат вилоятимиз сайёҳлик салоҳиятини янги босқичга олиб чиқишда ўзига хос имконият эшикларини очди, — дейди Фарғона

вилояти ҳокими ўринбосари Хуршидбек Аҳмедов. — Унда туристик ҳудудларда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қуриш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидagi амалий чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Қарорга мувофиқ, “Шоҳимардон — Ёрдон” умуммавсумий халқаро курорт зонаси, “Водни” малина агротуризм кластери, “Чимён” санаторий курорт зонаси, “Аввал” кўнгличлар туризм мажмуалари ташкил этилади. Шунингдек, 52 та чора-тадбирларни қамраб олган туристик зоналарни ривожлантириш дастури ва қиймати 114,8 миллиард сўм бўлган муҳандислик коммуникация тармоқларини барпо этиш дастури тасдиқланди. Пуриқор тоғлар бағрида жойлашган Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоғи ўзига хос оҳанрабо, таровати билан ажралиб туради. Сўлим табияти, зилол суви, мусалло ҳавоси, тўрт томони тоғдан иборат мафтункор масканнинг Оқсув ва Кўксув сойлари, мағрур арчазорлари дилга ҳузур бағишлайди. Танангиз роҳатланади, руҳингиз энгил тортади, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Шу боис, кўхна қишлоқ асрлар давомида саёҳат, зиёрат маскани сифатида одамларни ўзига чорлаб келади.

— Олой тоғ тизмаларига туташган бу масканда 11 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди “Шоҳимардон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нодирбек Ҳидоятлов. — Янги йил қувончи ишлар билан бошланади. Президентимизнинг алоҳида эътибори сабаб Шоҳимардон қишлоғи замонавий туризм масканига айлантириладиган бўлди. Бошланган хайрли сайёҳ-ҳаракатлар одамлар қалбига қувонч, шукроналик туйғуларини олиб кирди. Бугун қишлоғимизда юздан ортиқ дам олиш масканлари ва хостеллар бор. Давлатимиз раҳбарининг қарори бу борадаги ишлар салмоғи янада оширади. Чунки янги инфратузилма тармоқлари қурилади. Бу сайёҳлар учун қулай шароит яратади. Дам олиш учун саёҳатга чиққан инсон учун қулайлик биринчи ўриндаги масала. Айни куларда маҳалламизда янги-янги туризм хизматларини йўлга қўйишга,

кўпроқ тилларни қамраб олган таржимонлар гуруҳини ташкил этиб, йўл бошловчи каби хизматларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беряймиз.

Бу ерда кўплаб зиёратгоҳлар бор. Уларнинг энг машҳури “Чаккитомар” ҳисобланади. Кўплаб сайёҳлар тоғ бағридан томчилаётган сувдан кўпроқ ичиниш истади. Айтишларича, шифобахш ҳисобланган булоқ суви инсонга ҳам руҳий, ҳам жисмоний энгиллик берад экан.

Шоҳимардонда хорижлик инвесторлар ташаббуси билан замонавий канат йўли, шиша йўлак, туристик автобуслар каби қатор инфратузилмалар яратишни ўз ичига олган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режа қилинган. Бу лойиҳа ҳудудни халқаро даражадаги жозибадор туристик масканга айлантиради. Мазкур режалар дастурига кўра,

2026-2029 йилларда қиймати 4,1 триллион сўм бўлган 48 та манзилли ва истиқболли инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Натичада 2,5 мингта қўшимча иш ўрни яратилади.

— Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқлари ўртасида қуриладиган осма кўприклар аҳоли ва сайёҳлар учун хизмат қилади, — дейди Ҳожиакбар Тоҳиров. — Бундай замонавий инфратузилмаларни фанат ривожланган мамлакатларда учратардик. Энди олис қишлоқларимизда ҳам ҳайратомуз қурилишлар буй кўрсатяпти. Ўзим инглиз тилидан дарс бераман. Сайёҳларнинг кўпроқ келиши қўшимча хизмат турлари, таржимонлик, меҳмон уйлари ташкил этиш, дўконлар очиб каби имкониятларни беради. Бу қўшимч инсонлар учун даромадли қўшимча иш дегани.

ТАРИХ ВА САЙЁХ

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Газетанинг етказиб берилиш учун обуюни расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 32015 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 21:42 Топшириди — 22:45

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuuz.uz Веб-сайт: www.yuuz.uz: (71) 233-47-05